

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ
ЎТКАЗИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ҲАМДА
МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 18 сентябрдаги 319-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ижро учун юборилсин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

5. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адилов зиммасига юклансин.

Раис

*Тошкент ш.,
2016 йил 15 сентябрь,
733-сон*

М. АБДУСАЛОМОВ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссиясининг 2016 йил 15 сентябрдаги
733-сон қарорига
ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига
тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш
ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги ва «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига (бундан буён матнда сайлов деб юритилади) тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ маблағларни шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек харажатларни молиялаштириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда МСК деб юритилади), округ сайлов комиссиялари (бундан буён матнда ОСК деб юритилади) ва участка сайлов комиссиялари (бундан буён матнда УСК деб юритилади) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, сиёсий партиялар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқароларига нисбатан татбиқ этилади.

2. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда хайрия тариқасида беришлари мумкин. Ушбу маблағлар МСК томонидан қабул қилинади ва, сайлов кампанияси вақтида мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда ишлатилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлари (бундан буён матнда номзод деб юритилади) бошқа манбалар

ҳисобидан пул маблағларини ўтказиш (киритиш), товар етказиб бериш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш тарзида ҳамда моддий жиҳатдан бошқача кўринишда қўллаб-қувватлаш орқали молиявий таъминлаш ва моддий қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

5. Сайлов кампанияси давомида сиёсий партияларга ва уларнинг номзодларига:

хорижий давлатлар;

хорижий давлатларнинг юридик шахслари, ваколатхона ва филиаллари;

халқаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхона ва филиаллари;

хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар ва аноним ёки тахаллус остидаги шахслардан молиявий таъминот ёхуд бошқа моддий ёрдам тарзида маблағ олиш ман этилади.

6. Ушбу Йўриқноманинг 5-бандида қайд этилган маблағлар келиб тушган тақдирда улар кирим қилинган кундан бошлаб бир ой ичида хайриячига қайтарилиши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилиши лозим.

7. Давлат оммавий ахборот воситаларида эфир вақти, босма майдон, шунингдек сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар, баннерлар, билбордлар, плакатлар, электрон таблоидларни жойлаштириш учун майдонлар МСК қарорига мувофиқ тенг ҳажмда ва миқдорда давлат томонидан бепул тақдим этилиши мумкин. Сайловолди ташвиқот даврида фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти МСК томонидан сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда белгиланади.

2-боб. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларини режалаштириш

8. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан (бундан буён матнда республика бюджети деб юритилади) қуйидаги тарзда амалга оширилади:

МСКнинг марказлаштирилган харажатлари, шу билан бирга сиёсий партиялар номзодлари харажатлари ҳамда округ ва участка сайлов комиссиялари харажатлари – 1-иловага мувофиқ;

такрорий овоз бериш ўтказилган тақдирда – 2-иловага мувофиқ;

такрорий сайлов ўтказилган тақдирда – 3-иловага мувофиқ.

9. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига мувофиқ сайлов эълон қилинган ҳолларда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун республика бюджетидан харажатлар 1-иловага мувофиқ амалга оширилади.

10. МСКнинг марказлаштирилган харажатлари деганда 5-иловадаги рўйхатда кўрсатилган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари тушунилади.

11. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари сметаси 4-иловага мувофиқ шаклда тузилади.

12. Бюджет талабномасини тақдим этиишда МСК сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг куйидаги харажатларини аниқлайди:

а) МСКнинг марказлаштирилган харажатларини – 5-иловага мувофиқ;

б) ОСК ва УСК харажатларини – 6-иловага мувофиқ;

в) сайловда сиёсий партиялар кўрсатган номзодлар харажатларини – 7-иловага мувофиқ.

13. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига мувофиқ сайлов эълон қилинган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур маблағларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда топади.

14. Сайлов кампанияси қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда бошлангани эълон қилингандан сўнг ҳамда бюджет маблағларининг тасдиқланган ҳажмига мувофиқ:

а) МСК сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларининг жамланма сметасини ҳисоб-китоблар билан бирга МСКнинг марказлаштирилган харажатларини, шунингдек, УСК харажатларини ОСК харажатлари ва сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар харажатларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқлайди ва сўнгра сметани рўйхатдан ўтказиш учун Молия вазирлигига тақдим этади;

б) ОСК харажатлар сметасини ҳисоб-китоблар билан бирга УСК харажатларини ОСК харажатларини инобатга олган ҳолда тасдиқлайди. ОСК мазкур харажатлар сметаларини тасдиқлаганидан сўнг, уларни МСКга, МСК эса уларни рўйхатдан ўтказиш учун Молия вазирлигига тақдим этади.

15. Молия вазирлиги МСК ва ОСК томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун тақдим этилган харажатлар сметаларини рўйхатга олади.

16. Харажатлар сметалари рўйхатга олингандан сўнг, МСК беш иш кун ичида Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун харажатларни молиялаштириш жадвалини (бундан буён матнда жадвал деб юритилади) тасдиқлайди.

Жадвал сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларини харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар доирасида ҳамда МСК томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир асосий тадбирлар дастурига мувофиқ молиялаштиришнинг аниқ муддатлари ва ҳажмларини ўз ичига олади.

3-боб. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларини амалга ошириш

1-§. Шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш

17. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида (бундан буён матнда ЎзРМВ АТ деб юритилади) сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари сметалари асосида ва белгиланган тартибга мувофиқ:

а) марказлаштирилган харажатлар учун, шу жумладан, сиёсий партиялар кўрсатган номзодларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказиш харажатлари учун, шунингдек, такрорий овоз бериш (такрорий сайлов) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига мувофиқ сайлов харажатлари учун – МСКнинг шахсий ғазна ҳисобварағини;

б) ОСК ва УСК харажатлари учун, шунингдек, такрорий овоз бериш (такрорий сайлов) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига мувофиқ сайлов харажатлари учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг шахсий ғазна ҳисобварақларини очади.

2-§. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларидаги маблағлар ҳаракати

18. Республика бюджетидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағлардан қуйида белгиланган тартибда фойдаланилади:

МСКнинг марказлаштирилган харажатлари, шу жумладан, такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига мувофиқ сайлов ўтказиш харажатлари бўйича – МСКнинг шахсий ғазна ҳисобварағидан;

УСК харажатлари ҳисобга олинган ОСКнинг харажатлари бўйича, шу жумладан, такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига мувофиқ сайлов ўтказиш – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ОСК учун очилган шахсий ғазна ҳисобварақларидан.

19. МСК имзолар намуналари ва муҳр изи қўйиб тўлдирилган карточкани 8-иловага мувофиқ шаклда, шунингдек, МСКнинг биринчи имзо қўйиш ҳуқуқини мансабдор шахслар зиммасига юклаш тўғрисидаги қарори нусхасини – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги (бундан буён матнда Ғазначилик деб юритилади)га тақдим этади.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бухгалтериялари ОСК харажатлари бўйича имзолар намуналари ва муҳр изи қўйиб тўлдирилган карточкани 8-иловага мувофиқ шаклда, шунингдек, ОСК шахсий таркиби тўғрисидаги МСКнинг қарори нусхасини тегишли Ғазначилик бўлимларига тақдим этади.

21. МСКнинг тасдиқланган харажатлар сметасида назарда тутилган марказлаштирилган харажатларни амалга ошириш учун Ғазначиликка МСК мансабдор шахслар имзо намуналари карточкасида кўрсатилган шахслар (биринчи имзо) ва бош ҳисобчи (иккинчи имзо) томонидан имзоланган тўлов ҳужжатларини тақдим этади.

22. ОСК харажатларни тўлаш учун тегишли Ғазначилик бўлимларига ОСК раислари ёки уларнинг ўринбосарлари (биринчи имзо) ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тегишли ҳокимлигининг бош ҳисобчилари ёхуд уларнинг ўрнини босадиган шахслар (иккинчи имзо) томонидан имзоланган тўлов ҳужжатларини тақдим этади.

23. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари учун МСКга ва ОСКга ажратилган республика бюджети маблағларидан тасдиқланган ҳамда рўйхатга олинган харажатлар сметаларига қатъий риоя этилган ҳолда фойдаланилади.

24. МСК ва ОСК сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидини белгиланган тартибда энг яхши таклифларни танлаб олиш орқали амалга оширади.

25. Энг яхши таклифларни танлаб олиш жараёнини ўтказиш учун МСК ва ОСК томонидан ташкил этиладиган махсус комиссия қарорига кўра қуйидаги йўллар билан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида амалга оширилади:

харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар тавсифномаси, сони, бажариш муддати ва товарни етказиб бериш манзилени кўрсатган ҳолда етказиб берувчига таклиф юбориш;

етказиб берувчилар эълон қилган нарх ва тавсифномаларини таққослаш.

Махсус комиссияларнинг намунавий таркиби 9«а» ва 9«б»-иловаларга мувофиқ шакллантирилади.

26. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан МСК ва ОСК томонидан тузиладиган шартномалар улар тегишли Ғазначилик бўлинмаларидан мажбурий рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга киради. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш билан боғлиқ шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва харажатларни тўлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

27. УСКнинг харажатларини ОСК шахсий ғазна ҳисобварағидан мазкур УСК учун харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар доирасида ОСК амалга оширади.

28. Сайлов комиссияси аъзоси комиссия қарорига кўра сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши ёки ўзининг асосий иш жойидан бериладиган ойлик иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

29. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод этилган ОСК ва УСК аъзоларига ўртача ойлик иш ҳақи тўлаш юқорида қайд этилган аъзолар томонидан асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақини кўрсатган ҳолда хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги фармойишлар (буйруқлар

ва ҳоказолар) нусхалари тақдим этилган тақдирда тегишли ОСК ва УСК қарорлари асосида амалга оширилиши мумкин.

30. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ОСК ва УСК аъзоси ва ходими бўлган – иш жойига эга бўлмаган шахсларга ва пенсионерларга ОСК харажатлар сметасида тасдиқланган маблағлар доирасида иш ҳақи тўланади.¹

31. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари иш ҳақи тўлаш учун маблағларни ўз вақтида ўтказилишини таъминлайди.

**3-§. Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари,
жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари,
ташкилотлари ҳамда фуқароларидан сайловга тайёргарлик
кўриш ва уни ўтказиш учун келиб тушган маблағларни
ҳисобга олиш, тақсимлаш ва фойдаланиш**

32. Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлари ҳамда фуқароларининг ихтиёрий хайриялари МСКнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига (бундан буён матнда МСК махсус ҳисобварағи деб юритилади) ўтказилади.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар пул маблағлари шаклидаги хайрияларини МСКга ўтказишда уларни нақд пулсиз ҳисоб-китоб қоидаларида назарда тутилган реквизитларни кўрсатган ҳолда МСКнинг махсус ҳисобварағига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси пул маблағлари шаклидаги хайрияни МСКга ўтказиётганда паспортини ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатини тақдим этган ҳолда шахсан ўз маблағидан МСКнинг махсус ҳисобварағига ўтказилади. Бунда мемориал ордерда ёки пул ўтказмасида исми, фамилияси, отасининг исми ва паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат маълумотлари кўрсатилади.

33. Мазкур маблағлар МСК томонидан қабул қилинади ва улардан сайлов кампанияси давомида МСК қарорлари асосида фойдаланилади.

¹ ОСК ва УСКнинг ходимлари ва аъзолари бўлган, иш жойига эга бўлмаганларга, шунингдек, пенсионерларга иш ҳақи Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига (ВМК 206-сон, 21.07.2009 й.) асосан белгиланган энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб: ОСК (УСК)нинг аъзоларига – меҳнатга ҳақ тўлашнинг 9-разряди бўйича, ОСК (УСК)нинг аъзоси котиб вазифасини бажарган тақдирда, шунингдек, техник ходимларга 4-разряд бўйича ҳисобланади.

4-боб. Такрорий овоз бериш, такрорий сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларини амалга ошириш

34. Такрорий овоз бериш (такрорий сайлов)га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари МСК, ОСК, шунингдек сиёсий партиялар томонидан ушбу Йўриқномада белгиланган тартибда амалга оширилади.

35. Такрорий овоз бериш (такрорий сайлов)ни ўтказиш зарур бўлган тақдирда МСК қуйидагиларни белгилайди (аниқлик киритади):

- а) такрорий овоз бериш харажатларини – 10-иловага мувофиқ;
- б) такрорий сайлов харажатларини – 11-иловага мувофиқ.

36. МСК такрорий овоз бериш (такрорий сайлов)ни ўтказиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилганидан сўнг такрорий овоз бериш (такрорий сайлов)га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари тасдиқланган (аниқлик киритилган) харажатлар сметаси доирасида қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

- а) МСК;
- б) УСКни ҳисобга олган ҳолда ОСК;
- в) сиёсий партия.

Тасдиқланган харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар етарли бўлмаган тақдирда харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда қўшимча бюджет маблағлари ажратилади. МСКнинг марказлаштирилган харажатлари бўйича харажатлар сметасига тегишли аниқликлар киритилган тақдирда МСК икки банк кунидан кечиктирмай мазкур харажатлар сметасида назарда тутилган харажатлар суммаси доирасида сиёсий партияларнинг талаб қилиб олингунча бўлган асосий депозит ҳисобварақларига сиёсий партиялар кўрсатган номзодлар учун маблағни ўтказиши.

37. МСК ва ОСКга такрорий овоз бериш (такрорий сайлов)га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун республика бюджетидан ажратилган маблағлардан уларнинг тасдиқланган (аниқлик киритилган) харажатлар сметаларига мувофиқ фойдаланилади. Зарурат бўлган тақдирда МСК Молия вазирлиги билан келишган ҳолда МСК марказлаштирилган харажатларининг харажатлар сметаси доирасида харажатлар сметасига ўзгартишлар киритилиши мумкин.

5-боб. Сиёсий партиядан кўрсатилган номзоднинг сайловолди ташвиқотини ўтказилишини молиялаштириш

38. Сиёсий партиядан кўрсатилган номзоднинг сайлов кампаниясида иштирокини молиялаштириш учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳажми МСК томонидан тенг улушда белгиланади ва сиёсий партиёга маълум қилинади.

39. Сиёсий партиё унга сайловда иштирок этишга рухсат этгандан сўнг, номзоднинг сайловолди ташвиқотини ўтказиши учун харажатлар сметасини тасдиқлайди. Сиёсий партиёнинг қарорига кўра, сайловолди ташвиқот давомида харажатлар сметасига ўзгартишлар киритилиши мумкин.

40. Сайловолди ташвиқот даврида сиёсий партиё кўрсатган номзод сайловолди ташвиқотини олиб бориши учун республика бюджетидан ажратилган маблағлар сиёсий партиёларнинг талаб қилиб олингунча бўлган депозит ҳисобварақларига ўтказилади.

41. Сиёсий партиядан кўрсатилган номзод рўйхатга олинганидан сўнг, МСКнинг марказлаштирилган харажатлар сметасида назарда тутилган, бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун республика бюджетидан номзодга ажратилган маблағларни МСК бир банк куни ичида сиёсий партиёларнинг талаб қилиб олингунча бўлган асосий депозит ҳисобварақларига ўтказилади.

42. МСК томонидан сиёсий партиё кўрсатган номзод сайловолди ташвиқотини ўтказиши учун республика бюджетидан ажратилган маблағларни сиёсий партиёлар тасдиқлаган харажатлар сметасига қатъий мувофиқ ҳолда қуйидаги мақсадларга сарфлаши лозим:

оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан, телевидение, умумий фойдаланиладиган ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, умумжаҳон Интернет ахборот тармоғи) тўловига;

босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (босма, кўргазмалар, аудиовизуал материаллар, фонограммалар, босма маҳсулотларнинг электрон шакли ва бошқа ташвиқот материаллари, хусусан, плакатлар, варақа ва хоказолар)ни чоп этиш ҳамда тарқатишга;

сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш (мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, мажлис-

лар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ҳақидаги роликларни жойлаштириш)га;

сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларини ўтказишга.

43. Сиёсий партия сайлов кампаниясида иштирок этиш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш йўллари билан товарлар (ишлар, хизматлар) харидларни амалга оширади.

Энг яхши таклифларни танлаб олиш жараёнини ўтказиш учун сиёсий партиялар томонидан ташкил этиладиган махсус комиссия қарорига кўра қуйидаги йўллар билан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида амалга оширилади:

харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар тавсифнома-си, сони, бажариш муддати ва товарни етказиб бериш манзилени кўрсатган ҳолда етказиб берувчига таклиф юбориш;

етказиб берувчилар эълон қилган нарх ва тавсифномаларини таққослаш.

44. Сиёсий партия номзод харажатларини тўлаш учун тегишли тижорат банкига сиёсий партиялар имзо ва муҳр изи қўйилган карт-точкада кўрсатилган шахслар томонидан имзоланган ва сиёсий партия муҳри изи босилган тўлов ҳужжатларини тақдим этади.

45. Сиёсий партия бухгалтерияси номзодга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун ажратилган маблағларнинг ҳисобини сиёсий партия харажатлари асосий сметасининг ижроси тўғрисидаги бухгалтерия ҳисобидан алоҳида юритади.

46. Сиёсий партия сайлов якунлари тўғрисида эълон қилингандан сўнг уч банк куни ичида номзодга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун республика бюджетидан ажратилган ва фойдаланилмай қолган маблағлар қолдиқларини МСК шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

47. Номзод ўз мақомидан маҳрум этилган ёки номзодликдан воз кечган ҳолларда, шунингдек, номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда, сиёсий партия уч банк куни ичида фойдаланилмай қолган маблағлар қолдиқларини МСК шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

48. Сиёсий партия ўз номзодининг сайловолди ташвиқотини молиялаштириш ҳажми ва манбалари ҳақида ахборотни сиёсий партия босма нашрида ҳамда расмий веб-сайтида сайлов якунлари тўғрисида эълон қилингандан сўнг бир ой ичида чоп этади.

**6-боб. Республика бюджетидан ажратилган маблағларнинг
фойдаланилмай қолган қолдиқларини ҳисобга олиш,
қайтариш, товар-моддий бойликларни қабул қилиш-
топшириш ҳамда ҳисобот**

1-§. Бюджет ҳисобини юритиш

49. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун республика бюджетидан ажратилган маблағлар, шунингдек улардан мазкур Ўйрикномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш Бюджет таснифининг тегишли параграфи бўйича ҳисоб юритилади.

50. МСК ва ОСК сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича операцияларнинг бюджет ҳисобини «ЎзАСБО» дастурий комплексида белгиланган тартибда юритади.

51. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича операцияларнинг бюджет ҳисоби МСК томонидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бухгалтерияси томонидан белгиланган тартибда ўз харажатлари сметаси ижросининг бюджет ҳисобидан алоҳида юритилади.

52. МСКнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун олган моддий бойликлари белгиланган тартибда ОСК ва УСК томонидан ҳисобга олинади ва сақланади.

**2-§. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга
республика бюджетидан ажратилган маблағларнинг
фойдаланилмай қолган қолдиқлари, товар-моддий
бойликларни қабул қилиш-топшириш**

53. ОСК (УСК) товар-моддий бойликларининг қолдиқлари ОСК (УСК) қарорига ва ОСК (УСК) ҳамда туман ёки шаҳар ҳокимлигининг жавобгар шахси томонидан имзоланган ҳужжатлар асосида сайлов яқунлари эълон қилингандан сўнг беш иш кунидан кечикмасдан тегишли туман ёки шаҳар ҳокимлиги балансига бегараз қабул қилинади.

54. МСК Молия вазирлиги билан биргаликда сайлов яқунлари эълон қилингандан сўнг 15 иш кунидан давомида марказлаштирилган харажатлар бўйича харажатлар сметасига республика бюджетидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратил-

ган маблағларнинг фойдаланилмай қолган қолдиқлари миқдорида, шунингдек, сиёсий партия томонидан қирим қилинган ҳамда Йўриқноманинг 46 ва 47-бандларида кўрсатилган фойдаланилмай қолган маблағлар миқдорида аниқлик киритади.

55. МСК ва Молия вазирлиги билан биргаликда ОСК сайлов яқунлари эълон қилингандан сўнг 15 иш куни давомида ОСКнинг харажатлар сметасига республика бюджетидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағларнинг фойдаланилмай қолган қолдиқлари миқдорида тегишли аниқликлар киритади.

3-§. Ҳисобот

56. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар томонидан даврий молиявий ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш қоидаларига (2011 йил 27 сентябрда 2270-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ молиявий ҳисоботлар қуйидаги шаклларда тақдим этилади:

сиёсий партиялар томонидан 2-сонли шакл бўйича – МСКга сайлов яқунлари эълон қилингандан сўнг 20 иш кунидан кечиктирмасдан;

ОСК томонидан 1, 2, 3 ва 9-сонли шакллар бўйича – МСКга ва Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига сайлов яқунлари эълон қилингандан сўнг 40 иш кунидан кечиктирмасдан;

МСК томонидан жамланма ҳисоботлар (МСК, сиёсий партиялар, МСК марказлаштирилган харажатлари бўйича) ва МСК марказлаштирилган харажатлари ва сиёсий партиялар кўрсатган номзодлар харажатларидан алоҳида ҳолда 1, 2, 3 ва 9-сонли шакллар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига сайлов яқунлари эълон қилингандан сўнг 50 иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

7-боб. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш

57. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молиявий қонунчилик бузилишининг аниқлаш, олдини олиш, йўл қўймаслик ва бартараф этиш мақсадида МСК ва ОСКнинг сайловга тайёр-

гарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларини назорат қилишнинг куйидаги турларини амалга оширади:

дастлабки – юридик мажбуриятларни (шартномалар ва ҳоказоларни) ғазначилик бўлинмалари томонидан мажбурий рўйхатга олиш орқали;

жорий – ғазначилик бўлинмалари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш давомида молиявий мажбуриятлар (тўлов ҳужжатларини счёт-фактуралар ва ҳоказолар асосида тўлаш) ни рўйхатга олиш орқали;

якуний – молиявий операцияларни амалга оширгандан сўнг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан.

58. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун республика бюджетидан ажратилган маблағлардан фойдаланишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади.

8-боб. Якуний қоидалар

59. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари МСК, ОСК ва УСК аъзолари ҳамда ходимларига иш ҳақи тўлаш учун тасдиқланган харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгардирлар.

60. Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги балансига келгуси сайловгача беғараз берилган товар-моддий бойликларини сақлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш учун масъул шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсан жавобгар бўладилар.

61. Сиёсий партияларнинг мансабдор шахслари сиёсий партия кўрсатган ва МСК рўйхатга олган номзоднинг сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун республика бюджетидан ажратилган маблағларнинг фойдаланилмай қолган қолдиқлари ўз вақтида ўтказилмаганлиги ёки умуман ўтказилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсан жавобгар бўладилар.

62. Тегишли мансабдор шахслар маблағлардан мақсадли фойдаланиш, бюджет ҳисобини тўғри юритиш ва улар бўйича ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

63. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Марказий банки билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг ўринбосари

Ж. ҚЎЧҚОРОВ

2016 йил 14 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
ўринбосари


Ш. ҲОЖИМУРОТОВ

2016 йил 14 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишни молиялаштириши ҳамда маблағлардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-ИЛОВА


Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Марказий сайлов комиссиясининг марказлаштирилган харажатлари, округ ва участка сайлов комиссиялари ва сиёсий партиялар харажатлари учун республика бюджетидан харажатларни амалга ошириш

СХЕМАСИ




*Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайловига тайёргарлик кўриши ва уни
ўтказишни молиялаштириши ҳамда
маблағлардан фойдаланиши тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида такрорий
овоз бериш ўтказилган тақдирда республика бюджетидан
харажатларни амалга ошириш
СХЕМАСИ**



*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига
тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишни молиялаштириши
ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
3-ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига такрорий
сайлов ўтказилган тақдирда республика бюджетидан
харажатларни амалга ошириш
СХЕМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик
кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан
фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
4-ИЛОВА

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун харажатлар сметасининг
ШАКЛИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатга олинган*
20__ й. «__» _____ даги _____-сонли рўйхатга олиш варақчаси
_____ (имзо)
_____ (имзо)
М.Ў.

Тасдиқланган сумма:

_____ минг сўм
(сумма рақам ва ёзув билан)

шу жумладан ойлик иш ҳақи:

_____ минг сўм
(сумма рақам ва ёзув билан)

Раҳбар _____
(бюджет маблағлари олувчиси имзоси) _____ (Ф.И.О.)

20__ й. «__» _____

М.Ў.

_____ йилга харажатлар
СМЕТАСИ

Ташкилотнинг тўлиқ номи: _____
Тўлиқ манзил: _____
Бюджет даражаси: _____
Бўлим: _____
Тағ бўлим: _____
Боб: _____
Ўлчов бирлиги: _____

Моддалар номи	Тонфа	Модда ва модда ости	Элемент	Йил ташкилот томонидан ҳисобланган	таслиқланган йил _____											
					шу жумладан чорақлар бўйича											
					I чорақ учун жами		шу жумладан ойлар бўйича		II чорақ учун жами		шу жумладан ойлар бўйича		III чорақ учун жами		шу жумладан ойлар бўйича	
январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь					
Харажатларнинг I гуруҳи – иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар																
Харажатларнинг I гуруҳи бўйича жами																
...																
Харажатларнинг II гуруҳи – иш бевуқиларнинг ажратмалари																
Харажатларнинг II гуруҳи бўйича жами																
...																
Харажатларнинг IV гуруҳи – бошқа харажатлар																
Харажатларнинг IV гуруҳи бўйича жами:																
...																

Бош ҳисобчи _____

(имзо)

Молия-иқтисод бўлими бошлиғи _____

(имзо)

М.Ў

* Сийёсий партиялар харажатлар сметаси Молия вазирлиги рўйхатидан ўтказилмасдан тузилади ва тасдиқланади.

**Харажатларнинг IV гуруҳи – «Бошқа харажатлар» бўйича
РАСШИФРОВКА**

Харажатлар моддалари- нинг номи	Тоифа	Модда ва модда ости	Элемент	Таслиқланган												
				жами	I чорак учун жами		II чорак учун жами		III чорак учун жами		IV чорак учун жами		шу жумладан ойлар бўйича			
					январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
Харажатларнинг IV гуруҳи – бошқа харажатлар																
Бошқа харажатлар - жами шу жумладан:																
...																

Рахбар _____ (ИМЗО) Молия-иқтисод бўлими бошлиғи _____ (ИМЗО)

Бош ҳисобчи _____ (ИМЗО)
М.Ў _____ (ИМЗО)

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишни
молиялаштириши ҳамда маблағлардан фойдала-
ниши тартиби тўғрисидаги йўриқномага
5-ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик
кўриши ва уни ўтказишга, жумладан, Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 96-моддасига мувофиқ ўтказиладиган
сайловларга мўлжалланган, Марказий сайлов комиссиясининг
марказлаштирилган харажатлари
РЎЙХАТИ**

1. Овоз бериш кабиналари (турли хил)*.
2. Сайлов қутилари (турли хил)*.
3. Давлат герблари (турли хил)*.
4. Давлат байроқлари (турли хил)*.
5. Флагштоклар (турли хил)*.
6. Мухрлар (турли хил).
7. Сурғуч мухрлар (турли хил).
8. Босма маҳсулотлар ҳамда уларни тайёрлаш бўйича хизматлар (рўйхат бўйича)*.
9. Хоналарни ижарага олиш бўйича хизматлар ва улардан фойдаланиш харажатлари*.
10. Хорижлик меҳмонлар, экспертлар ва тадбирларда иштирок этиш учун хориждан келган бошқа иштирокчилар учун овқатланишни (нонушта, тушлик, кечки овқат, кофе-брейклар) ташкил қилиш бўйича хизматлар*.
11. Логистика ва етказиб бериш бўйича хизматлар, шу жумладан фельдъегерлик хизмати*.
12. Бейжиклар*.
13. Хорижлик делегациялар учун ёдгорликлар сотиб олиш*.
14. Кўкрак нишонлари ва гувоҳномалар (рўйхат бўйича).
15. Қоғоз (турли хил).
16. Товар-моддий бойликлар, шу жумладан, сайлов қутиларини пломбировоччи қурилмалар (турли хил), канцелярия буюмлари (папка, ручка, ўчирғичли қалам, степлер, скоба, скрепка, журнал, чизғич,

йиғмажилд) ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган бошқа товарлар.

17. МСК учун, шу жумладан, шартнома асосида ишловчиларга белгиланган тартибда тўловлар тўлаш.

18. Иш берувчиларнинг ажратмалари.

19. Алоқа (телефон, телекоммуникация, ахборот ва Интернет) хизматлари учун харажатлар.

20. Телевидение ва радио орқали ёритиш.

21. Техника, компьютер ва офис жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаб туриш хизматлари.

22. Сайловга оид ҳужжатларни архивга топшириш хизматлари.

23. МСК ходимлари ҳамда экспертларнинг сафар харажатлари.

И з о ҳ : – харажатлар фақат МСК томонидан амалга оширилади.

* Ушбу рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда МСКнинг алоҳида қарори билан ўзгартишилар киритилиши мумкин. Туман (шаҳар) ҳокимликлари сайлов йуллари эълон қилинганидан сўнг навбатдаги сайловга қадар товар-моддий бойликларини сақлаш, тўлиқлиги ва бутунлиги учун шахсан жавобгардирлар.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишни
молиялаштириши ҳамда маблағлардан фойдаланиши
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
6-ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик
кўриши ва уни ўтказишга, жумладан Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 96-моддасига мувофиқ ўтказиладиган
сайловларга мўлжалланган округ ва участка сайлов
комиссияларининг харажатлари
РЎЙХАТИ**

1. Муҳрлар (турли хил), баннерлар (рўйхат бўйича), стендларни тайёрлаш хизмати, сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш учун зарур материаллар ва канцелярия ва бошқа буюмларни харид қилишга ОСК харажатлари сметасида назарда тутилган харажатлар.
2. Техника воситаларини сақлаш ва ижарага олиш хизматлари.
3. Логистика ва етказиб бериш харажатлари.
4. ОСК аъзолари ва ходимларининг хизмат сафарлари харажатлари.
5. Алоқа (телефон, телекоммуникация, ахборот ва Интернет) хизматлари учун харажатлар.
6. Овқатланишни ташкил этиш бўйича хизматлар.
7. Сайлов комиссияларининг аъзоларига ва ходимларига белгиланган тартибда тўловлар тўлаш.
8. Иш берувчиларнинг ажратмалари.
9. Сақлаш, ижара ва фойдаланиш билан боғлиқ бошқа харажатлар.

И з о ҳ: Ушбу рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда МСКнинг алоҳида қарорлари билан ўзгартишилар киритилиши мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишни
молиялаштириши ҳамда маблағлардан фойдаланиши
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
7-ИЛОВА*

**Сайловда сиёсий партиялар кўрсатган номзодлар харажатлари
РЎЙХАТИ**

1. Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали.
2. Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали.
3. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.
4. Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар.

И з о ҳ: Ушбу рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда МСКнинг алоҳида қарорлари билан ўзгартишлар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига
тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишни
молиялаштириши ҳамда маблағлардан фойдаланиши
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
8-ИЛОВА

20__ й. « ____ » _____ даги _____-сонли
имзолар ва муҳр изи намуналарининг
ВАРАҚЧАСИ

Номи _____
(таъсис ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ ёки қисқа номи)

Юридик манзил _____

Телефон _____

Ҳазначилик бўлинмаси номи _____

**Шахсий ҳазна ҳисобварағи бўйича операцияларни амалга оширишда
тўлов ҳужжатларини имзолаш ҳуқуқига эга мансабдор шахслар
имзоларининг намуналари ҳамда ташкилот муҳри изининг намунаси**

Имзо ҳуқуқи	Лавози-ми	Фами-лияси, исми, шарифи	Имзо на-мунаси	Муҳр намуна-си	Алоҳида белгилар (паспорт маълумотлари, уй манзили ва б.)
1	2	3	4	5	6
Биринчи					
Иккинчи					
Ҳуқуқшунос (штангта мавжуд бўлса)					

Раис _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бош ҳисобчи _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)

М.Ў.
20__ йил « ____ » _____

*Имзолар ва муҳр изи намуналари
карточкасининг орқа томони*

Т/р	Шахсий ғазна ҳисобварағи	Шахсий ғазна ҳисобварағи номи
1		
2		
...		
...		
...		

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишни
молиялаштириши ҳамда маблағлардан фойдаланиши
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
9 а-ИЛОВА*

**Сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш, жумладан
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига
мувофиқ ўтказиладиган сайлов учун товарлар (ишлар,
хизматлар) етказиб берувчиларнинг энг яхши таклифларини
танлаб олиш бўйича МСК махсус комиссиясининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари – Махсус комиссия раҳбари.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқармаси (бўлими) бошлиғи – Махсус комиссия раҳбарининг ўринбосари.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти бошлиғи.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти катта референти.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти ходими.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти молия-хўжалик бўлими бошлиғи – Махсус комиссия котиби.

И з о ҳ: *Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг молия-хўжалик бўлими бошлиғи комиссия котиби ҳисобланади, овоз бериши ҳуқуқига эга бўлмайди ҳамда Махсус комиссиянинг сайлов билан боғлиқ барча ҳужжат ва материалларининг сақланиши учун шахсан жавобгар бўлади.*

Махсус комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланадиган шахслар ёхуд зиммасига тегишли вазифалар бажарилиши юкланган шахслар киритилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни
молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
9 б-ИЛОВА*

**Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, жумладан,
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига
мувофиқ ўтказиладиган сайлов учун товарлар (ишлар,
хизматлар) етказиб берувчиларнинг энг яхши таклифларини
танлаб олиш бўйича ОСК махсус комиссиясининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари – Махсус комиссия раҳбари.
2. Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаси бошлиғи – махсус комиссия раҳбарининг ўринбосари.
3. Округ сайлов комиссияси раиси – Махсус комиссия раҳбарининг ўринбосари.
4. Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари.
5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги бош ҳисобчиси.
6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги аппарати ишлар бошқарувчиси.
7. Округ сайлов комиссияси ходими – Махсус комиссия котиби.

***Изоҳ:** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги бухгалтериялари комиссиянинг иш органи ҳисобланади ҳамда Махсус комиссиянинг сайлов билан боғлиқ барча ҳужжат ва материалларининг сақланиши учун шахсан жавобгар бўлади.*

Махсус комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланадиган шахслар ёхуд зиммасига тегишли вазифалар бажарилиши юкланган шахслар киритилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишни
молиялаштириши ҳамда маблағлардан фойдаланиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
10-ИЛОВА*

**Такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш
ва уни ўтказиш харажатларининг
РЎЙХАТИ**

Марказий сайлов комиссиясининг такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга мўлжалланган марказлаштирилган харажатлари:

1. Босма маҳсулотлари ва уларни тайёрлаш хизматлари (рўйхат бўйича)*.
2. Хоналарни ижарага олиш ва улардан фойдаланиш бўйича хизматлар*.
3. Қоғоз (турли хил).
4. Товар-моддий бойликлар, шу жумладан, сайлов кутиларини пломбаловчи мосламалар (турли хил), канцелярия буюмлари (папка, ручка, ўчирғичли қалам, степлер, скоба, скрепка, журнал, чизғич, йиғмажилд) ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган бошқа товарлар.

ОСК ва УСКнинг такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга мўлжалланган харажатлари:

1. Алоқа (телефон, телекоммуникация, ахборот ва Интернет) хизматлари учун харажатлар.
2. Техника воситаларини сақлашга ва ижарага олиш хизматлари бўйича харажатлар.
3. Сақлаш, ижара ва фойдаланиш билан боғлиқ бошқа харажатлар.
4. Такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун бошқа товарларни харид қилиш харажатлари.

Такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун сиёсий партиялар кўрсатган номзодларга мўлжалланган харажатлар:

1. Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш харажатлари.

2. Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш харажатлари.

3. Сайловолди ташвиқотини сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга ошириш харажатлари.

4. Қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа харажатлар.

Изоҳ: *Ушбу рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда МСКнинг алоҳида қарорлари билан ўзгартишлар киритилиши мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни
молиялаштириши ҳамда маблағлардан фойдаланиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
11-ИЛОВА*

**Такрорий сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга
мўлжалланган харажатлар
РЎЙХАТИ**

Марказий сайлов комиссиясининг такрорий сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга мўлжалланган марказлаштирилган харажатлари:

1. Босма маҳсулотлари ва уларни тайёрлаш хизматлари (рўйхат бўйича)*.
2. Хоналарни ижарага олиш ва улардан фойдаланиш бўйича хизматлар*;
3. Қоғоз (турли хил).
4. Товар-моддий бойликлар, шу жумладан, сайлов кутилларини пломбаловчи мосламалар (турли хил), канцелярия буюмлари (папка, ручка, ўчирғичли қалам, степлер, скоба, скрепка, журнал, чизғич, йиғмажилд) ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган бошқа товарлар.
5. Кутилмаган нашрий харажатлар.

ОСК ва УСКнинг такрорий сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга мўлжалланган харажатлари:

1. Алоқа (телефон, телекоммуникация, ахборот ва Интернет) хизматлари учун харажатлар.
2. Техника ва автотранспорт воситаларини сақлаш ва ижарага олиш хизматлари харажатлари.
3. Сақлаш, ижара ва фойдаланиш билан боғлиқ бошқа харажатлар.
4. Такрорий сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бўладиган бошқа товарларни харид қилишга харажатлар.
5. Сайлов комиссияларининг аъзоларига ва ходимларига белгиланган тартибда тўловлар (зарурият бўлганда) тўлаш.
6. Иш берувчиларнинг ажратмалари (зарурият бўлганда).

Такрорий сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун сиёсий партиялар кўрсатган номзодларга мўлжалланган харажатлар:

1. Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш харажатлари.

2. Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш харажатлари.

3. Сайловолди ташвиқотини сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга ошириш харажатлари.

4. Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар.

***Изоҳ:** *Ушбу рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда МСКнинг алоҳида қарорлари билан ўзгартишилар киритилиши мумкин.*